КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

БУТУН КУЧ — ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 115 (7505). ● 16 июнь, 1981 йил ▲ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Ғўза ривожини тезлаштириш, мўл ҳосил тўплаш учун курашни авж олдиринг! Тупроқ майин бўлса, ўсимликнинг илдиз системаси тез ва соғлом ривожланади. Шунинг учун ҳам культивацияни сифатли ўтказинг!

● Заршуносларга зарур ўғитларни тезда етказиб берайлик, унинг самарадорлигини оширайлик!

● Ҳамма ерда сувчилар шай бўлсин, пайкалларни суғоришга алоҳида эътибор беринг.

● Галла ўримини тезлаштирайлик.

● Бу йилги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳар бир хўжаликда икки-уч йиллик план миқдорида ҳашак тайёрлашга эришинг.

● Етиштирилган сабзавот ва мева ҳосилини йиғиб-териб олишда асло нобудгарчиликка йўл қўйманг!

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, меҳнатда катта ғалабани қўлга киритдилар —давлатга пилла сотиш юзасидан 1981 йилги планни ва социалистик мажбуриятларини оширибўбажардилар. Тайёрлов пунктларига 31,5 минг тоннадан зиёд ана шу қимматли хом ашё етказиб берилди, бу эса планда белгиланганидан 16 процент ортиқдир. Бундай кўп миқдордаги пилла биринчи марта етиштирилиб, давлатга сотилди. Ҳар қутти қурт уруғидан ўрта ҳисобда 75 килограммдан пилла олинди. Тайёрланган хом ашёнинг сифати ҳам ошди. Бутун маҳсулот асосан биринчи навларга топширилди. Пилла сотиш давом этмоқда.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг ҳамма областлари социалистик мажбуриятларини анча оширибўадо этдилар. Давлатга 5,9 минг тонна пилла сотган Фарғона областининг, 4,7 минг тонна пилла етказиб берган Андижон областининг, 4,3 минг тонна пилла топширган Бухоро областининг, 3,7 минг тонна пилла сотган Самарқанд областининг, 3,1 минг тонна пилла етказиб берган Наманган областининг пилласчилари эришилган муваффақиятга жуда катта ҳисса қўшдилар. Қорақалпоғистон пилласчилари пилла сотиш планини 128 процент, Жиззах области —125, Сирдарё области —117, Қашқадарё области —117, Хоразм области —114, Тошкент области —113, Сурхондарё области —105 процент бажардилар. 42 район, 400 дан зиёд колхоз ва совхоз ҳар қутти қурт уруғидан 80 килограммдан ва бундан ҳам кўпроқ, минглаб моҳир пилласчилар эса 110—120 килограммдан пилла олдилар.

400—700 тоннадан пилла топширган Москва, Андижон, Ленин, Хўжабобод, Ғиждувон, Вобкент, Свердлов, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Наманган, Иштихон, Охунбобоев, Қува, Тошлоқ, Ўзбекистон, Киров, Бағдод, Риштон, Ленинград районларининг колхоз ва совхозлари пилла етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қўргонтепа, Балиқчи, Олтинкўл, Избоскан, Комсомолобод, Толимаржон, Пахтачи, Каттақўрғон, Оқдарё, Боёвут, Урганч районлари ва бир қанча бошқа районларнинг хўжаликлари ҳар қутти қурт уруғидан 85—100 килограммдан пилла олдилар.

Республиканинг кўпгина илғор пилласчилари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бувайда районидаги К. Маркс номли колхоздан СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олниҳон Султонова, Олтинариқ районидаги Энгельс номли колхоздан СССР Давлат мукофоти лауреати Фазилат Ўзбекбоева, Элликқалъа районидаги «Дўстлик» колхозидан Сона Юсупова, Олтинкўл районидаги А. Навоий номли колхоздан Санобар Юнусова, Ромитан районидаги Ленин номли колхоздан Ҳамро Алимова, Жиззах районидаги Жданов номли колхоздан Бўрибой Турдиева, Қарши районидаги Энгельс номли колхоздан Рўзи Примова, Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхоздан Дилбархон Исмоилова, Хатирчи районидаги Ленин номли колхоздан Хосият Тўхтаева, Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозидан Муҳаббат Омонова, Комсомол районидаги «Москва» совхозидан Хосият Сахатдинова, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоздан Рихси Эргашева, Боғот районидаги И. Дўсов номли колхоздан Раъно Отабоевалар ҳар қутти қурт уруғидан 110-120 килограммдан ва бундан ҳам кўпроқ пилла олиб, ўзларини мўл ҳосил миришкорлари эканликларини намойиш этдилар.

Бу йил пилла боқиш мисли кўрилмаган оғир шароитда олиб борилди. Совуқ ҳаво ва қаттиқ шамол озуқа базасига катта зарар етказди, ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши ва ҳавонинг сернам бўлиши эса қурт боқиш даврида ишни гоят мушкуллаштириб юборди. Лекин республика пилласчилари фидокорона меҳнатни табиат инжиқликларига қарши қўйиб, илғор методларни ишлаб чиқишга жорий этиб, пилла боқиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказдилар ва мисли кўрилмаган муваффақиятга эришдилар.

Пилласчиликни саноат негизига кўчириш борасида амалга оширилган тадбирлар пилла ялпи ҳосилини кўпайтиришга ижобий таъсир ўтказди. Бу йил республиканинг бир қанча районларида пилла қурти ихтисослаштирилган пилласчилик комплексларида боқилди. Бундай комплексларда анча юксак меҳнат унумдорлигига эришилмоқда. Пиллани бирламчи ишлаш жараёнларини механизациялаштиришнинг янги технологияси қунт билан жорий этилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини 2—2,5 баравар кўпайтириш ва иш самарадорлигини ошириш имконини беради. Кўпгина районларда махсус асбоб — пилла қобиғини кесмай серпиқтигини белгилайдиган асбоб қўлланилиб пиллани қабул қилиш ва унинг сифатига баҳо бериш методи жорий этилди. Бу эса пилласчиларнинг нуқул пишиб етилган пилла топшириш учун масъулиятни ва моддий манфаатдорлигини оширди.

Айрим районларда пилла тайёрлашни ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштириш ва электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдамида пилла топширувчилар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш усули қўлланилди.

Аввалги йиллардагидек бу йил ҳам ипак қуртини боқишда пилла ҳосилини оширадиган «Барака» стимуляторидан кенг фойдаланилди.

Пилласчиларнинг қўлга киритган муваффақиятларида навли пилла совхозлари, қурт уруғи заводлари ва навли пилла станцияларн ишчилари, хизматчилари, олимлари, конструкторлари ва мутахассисларининг катта меҳнат самаралари бор. Улар колхоз ва совхозларни юқори сифатли қурт уруғи ҳамда пилласчилик озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун тут кўчатлари билан таъминламоқдалар.

Пилла қуритиш бош корхоналари кўп иш қилдилар. Улар мўл пилла ҳосилини қабул қилиб олиш ва ишлашни пухта ташкил этдилар.

Республика пилласчилари эришилган ютуқлар билан қаноатланмай, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, қурт боқиш агротехникасини такомиллаштириш, ипак қуртининг янги сермаҳсул навларини ва навли тут дарахтларини яратиш, илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғида сермеҳнат жараёнларни механизациялаш йўли билан пилла етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар.

Илғорлар даласида

● ПИСКЕНТ. Ўроз Ғуломов бошчилик қилаётган пахтачилик бригадаси 2-«Пискент» совхозида илғорлардан саналади. Улар сўнгги йилларда пахтадан мунтазам мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Ўтган йили 74 гектар ерда деҳқончилик қилган заршунослар гектаридан 36 центнердан ҳосил уйишга муваффақ бўлган эдилар. Қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашаётган бригада аъзолари бу йил 78 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилганлар.

Яқинда матбуотда эълон қилинган область пахтакорлар советининг тавсиялари асосида иш олиб бораётган деҳқонлар шу кунларда ғўзаларни ягоналашни тугаллаб, учинчи агротехник ишлов беришни бошлаб юборишди.

Ҳ. МИРСОЛИЕВА.

110 центнер учун

● ОҚҚЎРҒОН. Район маккажўхорикорлари съездлар йилида 16 минг тонна «каҳрабо дон» етиштириш мажбуриятини олишган. Ўз вақтида ишлов берилаётганлиги туфайли 2046 гектар майдондаги «дала маликаси» кундан-кунга кўкка бўй чўзмоқда.

Райондаги Куйбишев номли колхоздан А. Рўзиматов, Навоий номли колхоздан У. Имашев, С. Сегизбоев номли колхоздан Г. Дурсунов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар аъзолари областимизнинг бир группа илғор маккажўхорикорлар и н и н г ташаббусига қўшилиб 110 центнердан дон олишга аҳд қилдилар.

П. ЭРГАШЕВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози деҳқонлари ва чорвадорлари бутун совет халқи қатори партия XXVI съезди тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш бўйича берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни қизғин қарши олдилар.

Колхоз меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, мавжуд резерв ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш асосида далалар ҳосилдорлиги ва фермалар маҳсулдорлигини муттасил равишда янада оширишни таъминлаш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилар ва уларни амалга оширмоқдалар. Колхоз правлениеси ва партия комитети хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари куч-ғайратини пахтадан ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан эртаги, мўл ҳосил етиштириш технологиясини такомиллаштиришга, чорвачилик озуқа базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга йўналтирмоқдалар. Колхоз меҳнаткашлари ана шу асосда пахта, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни юпайтириш бўйича 1981 йилги мажбуриятлар ва ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Область партия комитети Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг пахта ва бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш бўйича 1981 йилги мажбуриятлари ва ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

(Социалистик мажбуриятлар газетанинг 2-бетида эълон қилинмоқда).

Район партия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, область мева-сабзавотчилик ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси, область хўжаликлари партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг социалистик мажбуриятларини барча колхоз ва совхозларда, бригада ва фермалар коллективларида муҳокама этиш, уларнинг қимматли ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик органларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича 1981 йилги мажбуриятлар ҳамда ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилган колхоз ва совхозлар ишини мунтазам ўрганиб бориш, уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш таклиф этилди. Илғор хўжаликлар, бригада ва фермалар коллективларининг иш тажрибасини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш зарур.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига бригада ва фермалар, колхозлар коллективлари социалистик мусобақаси натижаларини кенг пропаганда қилиш топширилди.

МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, 12 июнда областимизга мусобақадош Жиззах областининг ўзаро текшириш бригадаси келган эди.

Икки кун мобайнида жиззахликлар областимиз деҳқон ва чорвадорларининг ишлари билан танишдилар. Ўзаро текшириш якунлари областимиз ҳамма районларида бўлиб ўтган район партия комитетларининг бюро йиғилишларида муҳокама этилди.

Ўтган шанба куни Тошкент область партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Жиззах области қишлоқ меҳнаткашлари ўзаро текшириш бригадасининг иш якунлари ҳамда ғўза ва бошқа экинлар парваришини кучайтириш, область хўжаликлари томонидан 1981 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш чоралари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Жиззах область ижроия комитетининг раиси Э. И. Исломов доклад қилди.

Ўртоқ Э. И. Исломов Тошкент ва Жиззах областлари меҳнаткашлари аънана бўйича бир неча йилдан бери ўзаро мусобақалашиб келаётганликларини таъкидлаб ўтди. Уларнинг меҳнат беллашуви хўжалик ва маданий қурилишда янги катта муваффақиятларга эришиш гарови бўляпти.

Тошкент области меҳнаткашлари катта ютуқларга эришаяптилар. Улар ўн биринчи беш йилликда область ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда салмоқли натижаларни қўлга киритдилар, КПСС XXVI съездин ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездин қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этмоқдалар.

Пойтахт области қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида ўн биринчи беш йилликда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Шу йилнинг беш ойлик якунлари дала ва фермалар меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун қатъий кураш олиб бораётганликларини кўрсатмоқда. Тошкент области барча районларида асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайган.

Докладчи ўзаро текшириш бригадасининг 15 та группаси область барча районларидаги колхоз ва совхозлар иши билан танишганликларини айтди.

Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, ҳамма хўжаликларда социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг авангардлик роли сезиларли даражада ортган. Ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар юксак савияда олиб борилаяпти. Кўргазмали агитация ярим йўлга қўйилган. Социалистик мусобақага ўз вақтида якун ясаляпти. Буларнинг ҳаммаси дала ва ферма ходимлари меҳнат ғайратини жўш урдиришга, ўн биринчи беш йиллик дастлабки нили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарилишини таъминлашга хизмат қиляпти.

Мусобақадошларнинг ўзаро текширув бригадаси аъзолари пахтазор ва маккажўхоризорларда, беда зор, сабзавот ва полиз майдонларида, чорвачилик фермаларида бўлдилар. Улар деҳқон ва чорвадорлар ҳамма жойда фидокорона меҳнат қилаётганликларининг, табиат ннжиқликларига иродалари, сабот ва матонатларини қарши қўйиб, план ва мажбуриятларни бажариш учун қатъий кураш олиб бораётганликларининг гувоҳи бўлдилар.

Областда ғўзанинг бешинчи парвариши давом этяпти. Иккинчи озиқлантиришни тугамоқда. Бизнинг мутахассисларимиз ва механизаторларимиз областда культиваторларнинг кундалик иш унуми юқори бўлаётганлигига алоҳида эътибор бердилар. Ғалаба, Бўка, Коммунистик, Оққўрғон, Чиноз, Калинин ва бошқа районлар хўжаликларида дала ишлари пухта ташкил этилганидан мамнун бўлдик.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Оққўрғон районидаги «Оққўрғон», Сегизбоев номли совхозлар, «Ленинизм» колхози, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» ва «Коммунизм» колхозлари, Ғалаба районидаги «Ленинград», Ленин номли колхозлар, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Чиноз районидаги Охунбобоев номли ва «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари, Коммунистик районидаги «Политотдел» ва Свердлов номли колхозлар ҳамда бошқа хўжаликлар катта ютуқларга эришмоқдалар.

Шу билан бир қаторда ўртоқ Исломов қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этишдаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Ҳозир пахта далаларига сув тарашни қизғин олиб бориш зарур бўлишига қарамай қатор хўжаликларда бу иш кечиктириб юборилаяпти. Ғўзани сугоришда айниқса Ғалаба, Коммунистик, Пискент, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларида сусткашликка йўл қўйиляпти.

Область хўжаликларида маккажўхори меҳр билан парвариш қилиняпти. Экин қатор ораларига иккинчи ишлов берилаяпти. Ҳамма майдонлардаги маккажўхорини озиқлантириш тугалланган. Экиннинг ривожи яхши. Лекин хўжаликларда маккажўхори ҳосилини янгиштириб олишга тайёргарлик сust. Ҳозир маккажўхорини йиғиштириб оладиган комбайнларнинг 80 процентдан сал кўпроғи ишга тайёрлаб қўйилган, холос.

Колхоз ва совхозлар сут-товар фермаларининг коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Беш ой мобайнида область бўйича ҳар бир сигирдан согиб олинган сут 1449 килограммни ташкил этди. Бу соҳада Бекобод, Оржоникидзе, Бўка ва Тошкент районларининг кўпгина хўжаликлари юқори кўрсаткичларга эришяптилар. Бироқ, областнинг бошқа районларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръатлари паст. Барча районлар ҳам гўшт етиштиришни кўпайтириш тадбирларини бажарапотганликларга юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларини таъминлашга хизмат қиляпти.

Мусобақадошларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари пахтазор ва маккажўхоризорларда, беда зор, сабзавот ва полиз майдонларида, чорвачилик фермаларида бўлдилар. Улар деҳқон ва чорвадорлар ҳамма жойда фидокорона меҳнат қилаётганликларининг, табиат ннжиқликларига иродалари, сабот ва матонатларини қарши қўйиб, план ва мажбуриятларни бажариш учун қатъий кураш олиб бораётганликларининг гувоҳи бўлдилар.

Областда ғўзанинг бешинчи парвариши давом этяпти. Иккинчи озиқлантиришни тугамоқда. Бизнинг мутахассисларимиз ва механизаторларимиз областда культиваторларнинг кундалик иш унуми юқори бўлаётганлигига алоҳида эътибор бердилар. Ғалаба, Бўка, Коммунистик, Оққўрғон, Чиноз, Калинин ва бошқа районлар хўжаликларида дала ишлари пухта ташкил этилганидан мамнун бўлдик.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Оққўрғон районидаги «Оққўрғон», Сегизбоев номли совхозлар, «Ленинизм» колхози, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» ва «Коммунизм» колхозлари, Ғалаба районидаги «Ленинград», Ленин номли колхозлар, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Чиноз районидаги Охунбобоев номли ва «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари, Коммунистик районидаги «Политотдел» ва Свердлов номли колхозлар ҳамда бошқа хўжаликлар катта ютуқларга эришмоқдалар.

Шу билан бир қаторда ўртоқ Исломов қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этишдаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Ҳозир пахта далаларига сув тарашни қизғин олиб бориш зарур бўлишига қарамай қатор хўжаликларда бу иш кечиктириб юборилаяпти. Ғўзани сугоришда айниқса Ғалаба, Коммунистик, Пискент, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларида сусткашликка йўл қўйиляпти.

Область хўжаликларида маккажўхори меҳр билан парвариш қилиняпти. Экин қатор ораларига иккинчи ишлов берилаяпти. Ҳамма майдонлардаги маккажўхорини озиқлантириш тугалланган. Экиннинг ривожи яхши. Лекин хўжаликларда маккажўхори ҳосилини янгиштириб олишга тайёргарлик сust. Ҳозир маккажўхорини йиғиштириб оладиган комбайнларнинг 80 процентдан сал кўпроғи ишга тайёрлаб қўйилган, холос.

Колхоз ва совхозлар сут-товар фермаларининг коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Беш ой мобайнида область бўйича ҳар бир сигирдан согиб олинган сут 1449 килограммни ташкил этди. Бу соҳада Бекобод, Оржоникидзе, Бўка ва Тошкент районларининг кўпгина хўжаликлари юқори кўрсаткичларга эришяптилар. Бироқ, областнинг бошқа районларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръатлари паст. Барча районлар ҳам гўшт етиштиришни кўпайтириш тадбирларини бажараёт

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ САМАРАДОР БЎЛСИН

ОБЛАСТЬ партия ташкилоти меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажаришга сафарбар қила бориб, бунда идеология ишига, хусусан унинг энг муҳим таркибий қисми — лекция пропагандасини ривожлантириш масалаларига катта аҳамият бермоқда.

Бунда барча ишлар КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» ҳамда «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида ташкил этилмоқда.

Ҳозир область меҳнат коллективларида, аҳоли турар жойларида партия ва комсомол комитетлари, «Билим» жамияти ташкилотларининг 42 мингга яқин лектори иш олиб бормоқда. Тажрибали олимлар, ўқитувчилар, раҳбар ходимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари бу ишга тобора кенгроқ жалб қилинаётир. Ўтган йил натижаларига кўра, ўқилган лекциялар сони 1975 йилга нисбатан 35 процент кўпайиб, 310 мингга етди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ижтимоий-сиёсий мавзуларга оиддир.

Идеология ишининг ҳамма воситалари КПСС XXVI съезди қарорларин тарғиб этиш, ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қоида ва хулосаларини чуқур ўрганишга йўналтирилган ҳозирги шароитда лекция пропагандаси янада кенг миқёсда давом этмоқда.

XXVI съезд тугагач, областда дарҳол ягона сиёсий кун ўтказилиб, унда область, шаҳар ва район звеносининг партия, совет, хўжалик, касаба союз раҳбар ходимлари, шунингдек министрлар, республика министрликлари ва идораларининг раҳбар ходимлари қатнашдилар. «Лекторлар ўн кунлиги», партия съезди делегатларининг чиқишлари уюштирилди.

Шунингдек, барча халқ университетларининг тингловчилари съезд қарорларини чуқур ўрганишга киришдилар. 543 махсус лекторий ва кинолекторий очилди. Областимизнинг ҳамма районлари ва шаҳарларида — туркум лекциялар, илмий-назарий конференциялар ўтказилиб, булар КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ички ва ташқи сиёсатининг турли масалаларига бағишланди, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди материаллари бўйича жами 15 мингдан зиёд лекция ўқилди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Янгийўл биохимия заводи, Ангрен кўмир разрези, Коммунистик районидаги «Политотдел», Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи ва бошқа кўпгина меҳнат коллективларидаги партия ташкилотларининг иш тажрибаси диққатга сазовор.

Лекция пропагандасини ташкил этишда уни координация қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилаётир.

Область партия комитетида, шаҳар ва район партия комитетларида координация кенгашлари тузилган бўлиб, улар лекция иши билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилмоқдалар, уни табақалаштирилган ҳолда ташкил этиш, тематик йўналиши ва географиясини кенгайтиришга кўмаклашмоқдалар.

Кенгашларнинг мажлисларида лекция пропагандасини яхшилаш масалалари ва тадбирлари муҳокама этилиб, тингловчиларнинг талаб ҳамда қизиқишларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, координация кенгашининг область идеология ходимлари кенг активи иштирокида ўтказилган мажлисида область партия комитети секретари А. М. Хўжаев доклад қилди ҳамда уни муҳокама этиш асосида КПСС XXVI съезди материалларини тарғиб қилиш соҳасидаги вазифалар белгиланди, лекция ишини такомиллаштириш бўйича тавсиялар қабул этилди.

Партия раҳбарлигининг кучайиши, лекция пропагандаси ишининг координация қилиниши, илғор тажрибаларнинг кенг ёйилиши туфайли лекцияларнинг тематик йўналиши яхшиланди. Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги лекцияларнинг салмоғи ўтган йили 60 процентдан зиёдроқ бўлди. Бошқаришни такомиллаштириш, халқ хўжалиги экономикаси, фан-техника тараққиёти, совет турмуш тарзи ҳақидаги лекцияларнинг сони кескин ортди.

КПСС ташқи сиёсати, халқаро аҳволнинг турли жиҳатларига оид мавзуларда тингловчилар лекторларга бераётган саволлар, заявкалар кўпайди. Партия комитетлари лекторлик группалари, «Билим» жамияти ташкилотлари бу мавзулардаги лекциялар сонини 1975 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпайтирдилар.

Лекция пропагандаси коммунистик қурилишнинг партия жамиятимиз ҳозирги босқичида олга сураётган конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Энг яхши меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг иш тажрибалари, ватанпарварлик починлари ва ташаббусларини тарғиб этиш асосий мавзулардан бири бўлиб қолди. Шу мавзу бўйича ўқилган лекциялар сони 1976 йилдагига нисбатан 83 процент кўпайди.

Озиқ-овқат программаси, айниқса чорвачиликни жадал ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида аҳамият берилаётир. Тингловчиларнинг ярмига яқини ёшлардир.

Халқ дорулфунунлари тармоғи перспектив план бўйича кенгайиб, улар сони кейинги беш йил ичида 259 та, тингловчилар сони эса қарийб 50 мингга кўпайди.

Партия комитетлари халқ дорулфунунлари тармоғини кенгайтириб, бунда аввало халқ хўжалиги манфаатлари ҳамда меҳнаткашларнинг қизиқишларини ҳисобга олмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина мавжуд илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари базасида 17 та қишлоқ хўжалик билимлари халқ дорулфунуни очилди, уларда уч мингга яқин киши шуғулланмоқда. Оққўрғон, Коммунистик, Тошкент районларидаги шундай дорулфунунларда тингловчилар назарий билимларни район ва хўжаликнинг амалий вазифалари билан боғлиқ ҳолда ўрганишмоқда.

Лекция пропагандасига илмий ёндошиш, унинг самарадорлигини ошириш борасидаги изланишлар изчил давом этмоқда. Масалан, Ҳамза район партия комитети, район «Билим» жамияти ташкилоти аудиторияларни паспортлаш усулини қўлланиб, шу асосда лекция пропагандаси комплекс планини амалга оширмоқдалар. Бу планда конкрет мавзуга доир ўқиладиган лекция, унинг қачон ва қаерда ўтказилиши, лектор ва ташкилотчининг фамилияси белгилаб қўйилади.

Мазкур тажриба область ва республика «Билим» жамиятлари правлениелари президиумлари томонидан маъқулланиб, областимизнинг барча шаҳар ва район «Билим» жамияти ташкилотларида қўлланилаётир.

Лекция пропагандаси илмий савиясини янада ошириш учун лектор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилаётир. Бизда лекторларни ўқитишнинг муайян системаси мавжуд. Ҳар йили область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари, область комсомол комитети, область касаба союзлари Совети, «Билим» жамияти бошқа ташкилотлар ходимлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилиб, унда лекция пропагандасининг аҳволи таҳлил этилади ва амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Лектор кадрларни тайёрлашнинг ягона системаси вужудга келмоқда. Ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларидан икки мингдан зиёд киши 50 ўсмирлар лектор мактабида; студентлардан 8 мингдан зиёд киши олий ўқув юртларида, шаҳар ва район комсомол комитетларида, йирик корхоналарда тузилган 39 ёш лектор мактабида; 434 тингловчи шаҳар ва район «Билим» жамиятлари ташкилотларидаги 9 лекторлик маҳорати асослари мактабида таҳсил кўриб, мустақил ишлаш кўникмасини олмоқдалар. Шунингдек, лекторлик маҳорати бўйича 11 халқ дорулфунуни ишлаб турибди. Шу йил апрель ойидан бошлаб эса область университети ишлай бошлади. Тошкент идеология ходимлари университети лекторлар маҳорати факультетида эса 400 дан ортиқ тингловчи шуғулланаётир. Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университети, унинг Чирчиқ ва Янгийўлдаги филиалида ҳам лекторлар тайёрланади. Олмаликда ҳам университет филиали ҳузурида шундай бўлим очишга тайёргарлик кўрилаётир.

Бир сўз билан айтганда, область партия ташкилоти кўпминг кишилик лекторлар армиясининг куч-ғайратини КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги докладида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган энг муҳим вазифаларни бажаришга қаратмоқда. Лекторларимиз ўзларининг жонли сўзлари билан область меҳнаткашлари томонидан ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Р. ТУРСУНОВ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими лекторлар группасининг раҳбари, иқтисод фанлари кандидати, доцент.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ТЎРТ ЙИЛДА БАЖАРАМИЗ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИНИНГ ПАХТА ВА БОШҚА ТУРДАГИ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА 1981 ЙИЛГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА УН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозининг меҳнаткашлари бутун совет халқи қатори партия XXVI съезди тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладидан келиб чиқадиган вазифаларни қизғин кутиб олдилар.

Колхоз ўнинчи беш йилликда пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги деҳқон ва чорвадорларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада жўш урдирди юборди.

Партиянинг совет халқи турмуш даражасини янада ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигига, деҳқон ва чорвадорларнинг фидокорона меҳнати юксак баҳоланганига жавобан колхоз аъзолари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар. Колхоз партия комитети ва правлениеси пахта ва бошқа барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш бўйича 1981 йилги социалистик мажбуриятлар ва ўн биринчи беш йиллик планларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлашга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар.

Эртаги мўл ҳосил етиштириш технологиясини такомиллаштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, техника тараққиёти ва илғор тажрибани кенг жорий этиш асосида 1981 йилда ҳар гектар майдондан 40,3 центнердан пахта олиниши таъминланади. 1985 йилда бу кўрсаткич 45 центнерга етказилади. Бу 1980 йилдагидан 6 центнер кўпдир. 1981—1985 йилларда камида 31,5 минг тонна «оқ олтин» етиштирилади, давлатга пахта сотиш бўйича ўн биринчи беш йиллик плани муддатидан илгари — тўрт йилда бажарилади. Пахта -териш техникасидан фойдаланиш самарадорлиги янада ошириб, етиштирилган ҳосилнинг камида 80—85 проценти механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинади.

Бу мақсадларга эришиш учун ҳар йили шудгорлашни ўз вақтида ва сифатли — икки ярусли плугларда 40—45 сантиметр чуқурликда ўтказамиз. Шудгорлаш билан биргаликда ҳар гектар майдонга 300—350 килограммдан аммофос солинади. Кам унумли ва янги ўзлаштирилган ерларга гўнг оборотига қатъий риоя қилинган ҳолда 30—35 тонна маҳаллий ўғит минерал ўғитлар билан аралаштириб солинади.

Далаларни капитал ва жорий текислашни, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашни сифатли ўтказишга, сеялкалар, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш, улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берамиз. Ҳар йили чигит барвақт ва қисқа муддатларда экиламиз. Чигит экиш билан бир йўла барча майдонларга ҳар гектар ҳисобига 80—100 килограммдан аммиак селитраси ва 100—120 килограммдан аммофос ҳамда гербицидлар солинади. Чигит ернинг табиий намига бир текис қийғос ундириб олинади.

Пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда дон экинлари, айниқса, дон учун экилган маккажўхори, сабзавот, картошка, мева, узум ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошириш чоралари кўрилади. Бу маҳсулотларни етиштириш ва давлатга сотиш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажарамиз. Ҳар гектар майдондан камида 100 центнердан маккажўхори дони, 389 центнердан сабзавот, 180 центнердан картошка, 78 центнердан мева ва 200 центнердан узум оламиз.

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб, Черкас области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган ташаббусига қўшилиб, чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг озуқа базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Ем-хашак етиштиришни мустақил тармоққа айлантириш, хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган ем-хашак бригадаларини тузиш, бу ишда банд бўлган колхозчиларнинг юксак пировард натижага эришиш учун моддий манфаатдорлигини ошириш чоралари кўрилади. Социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ҳар гектар сугориладиган майдондан 235 центнердан беда пичани, 850 центнердан маккажўхори кўкпояси ва хашаки лавлаги етиштирамиз. Оралиқ ва такрор озуқа экинлари майдони анча оширилади. Қорамолларни, айниқса, сигирларни йилнинг тўққиз ойи давомида кўк масса билан боқилишини таъминлаймиз.

Зооветеринария ишини, чорва молларини боқиш шароитларини анча яхшилаймиз, сигирларни парвариш қилишнинг Львов технологиясини, сунъий қочиришни кенг жорий этамиз. Ҳар юз бош сигир ва икки ёшдан катта ғунажиндан 100 бошдан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи оламиз. Олинган наслнинг тўла сақлаб қолинишини таъминлаймиз.

Чорва молларн маҳсулдорлигини ошириш учун зарур чоралар кўрилади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 489 килограммга кўпайтирилиб, 1985 йилда 5500 килограммга етказилади. Ҳар битта тухум қиладиган товуқдан камида 170 тадан тухум олинади. Чорва молларини бўрдоқига боқиш яхшиланади. Давлатга гўшт учун топшириладиган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 500 килограммга, қўйларники 60 килограммга етказилади.

1981 — 1985 йилларда 1025 тонна гўшт (тирик вазнда), 9950 тонна сут, 980 минг дона тухум етиштирилиши таъминланади, ёки беш йилликда гўшт етиштириш 63,3 процентга, сут — 42,5 процентга, тухум — 31,7 процентга кўпайтирилади. Давлатга гўшт сотиш бўйича ўн биринчи беш йиллик плани уч йилу етти ойда, сут — уч йилу саккиз ойда, тухум — уч йилу олти ойда бажарилади.

Пиллачилик саноат негизига ўтказилади, унинг озуқа базаси мустаҳкамланади. Беш йиллик давомида камида 186 тонна пилла етиштирилиб, план 138 процент бажарилади. Ҳар қути қурт уруғидан 95 килограммдан юқори сифатли пилла олинади ва бу кўрсаткич 1980 йилдагига нисбатан ўтган килограммга кўпайтирилади.

«Колхозларсиз меҳнат қиламиз» шиори остида социалистик мусобақани кенг авж олдирамиз. Колхознинг ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси ишининг юксак сифатли бўлиши, кунлик ва мавсум нормаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларини бажариш ва ошириб бажаришига эришамиз.

Колхоз меҳнаткашлари ҳукуматимизнинг тобора кучайиб бораётган ёрдамига таяниб, қишлоқ хўжалигини комплекс равишда жадал ривожлантириш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни юксак сифатларда ўсишини таъминлайдилар, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Социалистик мажбуриятлар колхоз умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.



ОҲАНГАРОНДАГИ «Сантехлит» заводининг Салом Бегимов бошлиқ бригадаси коллективи зиммасидаги топшириқларни мунтазам ошириб бажармоқда. Таҳёр маҳсулотнинг истеъмолчиларга уриимай етиб бориши мана шу упаковкачи бригада аъзоларининг меҳнатига боғлиқ. Улар бу вазифани сидқидилдан адо этишяпти. Суратда: Салом Уринбоев, Салом Бегимов, Собир Исмоилов.

В. Сироткин фотоси.

БРИГАДА УСУЛИГА КЕНГ ЙЎЛ

КПСС XXVI съезди материалларида мусобақа ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини саноат корхоналарида кенг жорий қилиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан мухбиримиз машинасозлик ва приборсозлик ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси Н. Қ. Бабичевга мурожаат қилиб, коллектив шартномаларида социалистик мусобақани ташкил этиш, бригада усулини жорий қилиш соҳасидаги ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Маъмурият ва ишчи-хизматчилар ўртасида тузилган коллектив шартномаларда социалистик мусобақани ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаси ҳисобланган бригада усулини қўлланиш соҳасидаги ишлар кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, самарадорлик ва сифатни ошириш, барча социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда қўл келмоқда.

Ҳар йили корхоналаримизда 14 та коллектив шартнома тузилмоқда. Ўрта ҳисоб билан 1400 га яқин тадбир белгиланяпти. Уларни амалга оширишга анчагина миқдорда моддий маблағлар ҳам сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам биз коллектив шартномалар таъсир кучини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни доим эътибор марказида сақламоқдамиз. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан муттасил назорат қилиб турибмиз. Зарур бўлиб қолса, коллективларга амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Шартномаларни ишлаб чиқиш ва тузишда бошқа масалалар қатори социалистик мусобақани ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги ҳисобот докладида социалистик мусобақа оммасининг ижодкорлиги эканлигини, у ҳар бир коллективнинг хўжалик фаолияти ва аҳолиқий муҳитига чуқур таъсир қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунинг учун ҳам корхоналаримизда мусобақа муттасил такомиллашмоқда. Унинг янги-янги формалари жорий қилинмоқда, мазмуни эса турли хил ватанпарварлик ташаббуслари билан бойимоқда.

Область касаба союз комитети коллектив шартномалар тузилишида планлаштириш такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий қилиш, социалистик мусобақа натижаларини ҳар куни якунлаб туриш каби масалаларни киритишга алоҳида эътибор бермоқда.

Меҳнатни бригада формасида ташкил этишни кенгайтириш тавсия этилган эди. Ҳозирги вақтда экономиканинг барча тармоқларида бу усулни қўлланишга катта эътибор берилмоқда. Шу кунгача корхоналаримизда 400 га яқин бригада ташкил этилди. Бу соҳадаги иш «Ўзбекгеостильмаш», «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Эталон» заводи ва бошқа корхоналарда муваффақиятли олиб борилмоқда.

Касаба союз ташкилотлари ҳўжалик раҳбарлари билан биргаликда социалистик мусобақани ташкил этиш қисмини тузишда илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларининг белгиланишига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бунда меҳнат коллективи ҳар бир аъзосининг пировард иш натижаси ва интизомининг аҳволи алоҳида ҳисобга олинмоқда. Корхоналар раҳбарлари, цех, участка ва сменалар бошлиқларининг меҳнат интизоми аҳволига нисбатан масъулиятини ошириш мақсадида мусобақа иштирончилари моддий ва маънавий рағбатлантиришни иш вақтидан фойдаланиш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш натижаларига бевосита алоқадор қилиб қўйдик. Масалан, «Таштекстильмаш» заводида кадрлар қўнимсизлиги коллектив шартномада белгиланган даражадан ошиб кетмаган ва объектив сабабларсиз иш вақтини фойдасиз йўқотмаган цех, участка ва бригада голиб деб белгиланади.

Меҳнат коллективларида индивидуал мусобақанинг анъанавий формалари кенг оммалашмоқда. «Касби бўйича энг яхши ишчи», «Сифат аълочиси», «Олтин қўлли уста», «Энг яхши ихтирочи», «Энг яхши мураббий» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай шарафли унвонлар берилаётганда моддий ва маънавий рағбатлантиришдан ташқари Фахрий Ёрлиқлар, Дипломлар, гувоҳномалар, қимматли совғалар ҳам топширилмоқда.

М. МАҲМУДОВ.



ЗАРБДОР ВАХТАДА

ТОШКЕНТНИНГ янги телеминораси соат сайин кўкка бўй чўзмоқда. Бу ерда юзлаб қурувчи ва монтажчилар зарбдор меҳнат қилишяпти. Суратда: пешқадам монтажчилар бригадири В. Карусевич.

И. Глауберзон фотоси.

ЧИН ИХЛОС

БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

Тошкент шаҳар ўрта махсус ошпазлик билим юрти ҳунарманд кадрлар етказиб бераётган кекса ўқув даргоҳларидан биридир. Бу ўқув муассасаси ташкил этилган 1938 йили у 100 ўқувчигагина мўлжалланган бўлса, ҳозир ўқувчилар сони 1350 нафарга етди. Ўқув даргоҳида бўлажак ошпазлар 100 хил номдаги европача ва миллий таомлар тайёрлашни ўрганибгина қолмай, муомала маданияти, эстетик дидни ўстириш, ошхоналарни замонавий жиҳозлаш соҳаларидан ҳам сабоқ оладилар. Билим юртида йигирма беш йилдан ортиқ педагогик тажрибага эга бўлган О. Исаҳонов, Л. М. Ермакова, А. Е. Шиховцова, А. Каримов, К. Усмонов каби ўн саккиздан ортиқ «Совет савдоси аълочиси» унвонига эга бўлган ўз касбининг усталари ёшларга билим бермоқдалар.

Билим юртида замонавий ўқув қуролларн ҳамда жиҳозлар билан таъмин этилган 35 кабинет ўқувчилар ихтиёрида. Бу эса дарсларнинг юқори даражада ўзлаштирилиши учун асосий омилдир. Айниқса ўзбек группалари учун рус тилини ўрганишга мослашган лингофон кабинети ўқувчиларга амалий ёрдам бермоқда. Ўқувчилар билимларини синаш, яъни овқат тайёрлаш маҳоратини амалда қўллаб кўриш учун махсус лабораториялар мавжуд. Бундан ташқари, талабалар Тошкент шаҳридаги энг намунали ошхона ва ресторанларда ишлаб чиқариш практикасини ўтайдилар.

Коллективимиз республика ҳаётида юз бераётган муҳим воқеаларда актив иштирок этаётир. Масалан, совет савдоси ходимлари куни шарафига кондитер маҳсулотлари бўйича «Зарафшон» ресторанида ташкил этилган кўргазмада ўқувчиларнинг кўпчилиги иштирок этди. Билим юртини битирувчилар ўртасида ўтказилган «Конкурс-81», балиқ ҳамда сабзавот таомлари тайёрлаш, сабзавотларни кесиш бўйича ўтказилган кўрик-конкурслар ёшларнинг қай даражада билим эгаллаганлиги, касбга қўйган муҳаббатини синаб кўришда муҳим роль ўйнаётир.

Ўқувчиларимиз дарсдан сўнг турли қизиқарли машғулотлар билан шуғулланишга одатланганлар. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Рус тили, эстетика фанлари бўйича яқинда ўтказилган конференция айниқса қизиқарли бўлди. Конференциянинг бадиий қисмида ўқувчилар ижро этган «Бой ила хизматчи» спектакли қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Билим юрти ўқувчилари ўртасида байрамларни, танганали кунларни нишонлаш одат тусига кириб қолган. Владимир Ильич Ленин туғилган кунга бағишлаб ўтказилган кеча, республикамизнинг таниқли шоирлари Назармат, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Сайёр, шунингдек киноактёрлар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан бўлган учрашувларни ўқувчилар ҳаётидаги қизиқарли дамлар деса бўлади.

Билим юрти қизлар хори ансамблига ҳам эга. Ансамблда 100 дан ортиқ ўқувчи иштирок этмоқда. Ҳаваскор спортчиларимиз эса оммавий физкультура ва спортни ривожлантириш, соғломлаштириш ишларини яхши йўлга қўйиш бўйича ўтказилган социалистик мусобақада учинчи ўринни эгаллаб Тошкент область «Спартак» советининг фахрий ёрлиғини қўлга киритдилар.

Хуллас, ўқув даргоҳимизда талабаларнинг ҳунар эгаллаши, аъло ўқиши, дам олиши учун ҳамма шароит муҳайё.

А. ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар ошпазлик билим юрти директори.

ТОШКЕНТ — ХАСКОВО

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

БКП Хасково округ комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Петр Пилев бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг делегацияси ўтган шанба ва якшанба кунлари Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент областининг диққатга сазовор жойлари билан танишишни давом эттирдилар.

Меҳмонларимиз Тошкент метрополитенида, Чимён дам олиш зонаси, Чорвоқ сув омборида бўлдилар.

Хасково округи делегацияси аъзоларининг ишлаб чиқариш ва ўқув юртлари коллективлари билан учрашувлари давом этмоқда. Болгар давлатининг 1300 йиллиги арафасида ўтаётган бу учрашувларда областимиз меҳнаткашлари жадал мамлакатнинг кўп асрлик тарихи, болгар халқининг миллий-озодлик кураши саҳифалари, БХРнинг социализм қурилишида, БКП XII съездида қўйилган вазифаларни бажариш соҳасида эришаётган ютуқлари билан кенг танишмоқдалар. Бундай учрашувлар В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида бўлиб ўтди.

Кеча меҳмонларимиз Бўка районида бўлиб, областдаги энг илғор пахтачилик хўжаликларидан бири — «Октябрь 40 йиллиги» колхози ҳамда пахта тозалаш заводини бориб кўрдилар.

СССР халқлари дўстлиги музейида кеча тантанали равишда этнография кўргазмаси очилди. Болгар давлатининг 1300 йиллигига бағишланган бу кўргазма экспонатларини Тошкентга БХР Хасково округи делегациясининг аъзолари олиб келганлар.

(Кўргазманинг очилиши ҳақидаги ҳисобот газетанинг кейинги сонида эълон қилинади).

ИНСОН ВА ҚОНУН

саҳифаси № 4

Совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ мусобақасида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозирги кунда ҳамма жойларда зўр бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, барча коллективлар бир жон бир тан бўлиб, 1981 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этиш учун курашмоқдалар.

Самарали меҳнат туфайли халқимиз турмуш фаровонлиги тобора ошмоқда. Бахтли ҳаёт кечириш, ўқиш-ўрганиш, унумли меҳнат қилиш учун бизда барча шароитлар муҳайё қилинган.

Лекин шундай замонда тўқликка шўхлик қилиб, ичкиликка ружу қўяётган, қимматли вақтларини маишатбозлик билан ўтказаётган, кайф устида турли хил жиноятларга қўл ураётган кимсаларни кўриб, киши беихтиёр афсусланади. Ахир ҳаёт инсон учун бир марта берилади-ку!.. Мазмунли умр кечириш, ҳаётда муносиб из қолдириш ўрнига ўз жонига ва ўзгалар жонига озор бераётган кимсалардан ҳамма ғазабланади.

КПСС XXVI съездида таъкидланганидек, «Ичкиликбозлик жамиятга, оилага катта зарар келтирмоқда. Бу нарса очиғини айтганда ҳамон жиддий масала бўлиб турипти. Ҳамма меҳнат коллективларининг, ҳамма жамоат ташкилотларининг, ҳамма коммунистларнинг куч-ғайрати ана шу ярамас иллатларга қарши курашга қаратилмоғи лозим».

Ҳамма нарсадан қимматлиси инсон ҳаётини, инсон соғлиғини сақлаш Коммунистик партия сиёсатининг асосий негизидир. Шунинг учун ҳам «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг ҳуқуқ-тартиботни пропаганда қилиш жамоатчилик совети навбатдаги «ИНСОН ВА ҚОНУН» САҲИФАСИНИ гўзал турмушимизга доғ бўлиб тушаётган алкоголизмга қарши курашга бағишлади. Қуйида депутатлар, шифокорлар, милиция ходимлари, халқ вакилларига сўз берамиз.



Суратда: Тошкент район ички ишлар бошқармаси ҳузурида ташкил этилган алкоголизмга қарши профилактика советининг аъзолари навбатдаги масалани муҳокама қилмоқдалар. А. Абалян фотоси.

ОҒУГА ОҒИШМАНГ!..

Алкоголизмга қарши кураш безорликни ва турли хилдаги жиноятларни камайтириш демакдир. Бу борада олиб борилаётган ишлар, навбатдаги вазифалар ҳақида область ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция полковниги Э. ХОШИМОВ мухбиримиз билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг ярим йили ҳам ўтиб бораяпти. Бу даврда областимиз ҳаётида жуда катта воқеалар юз берди. Пахтакорлар, саноатчилар, қурувчилар ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар. Конвейерларда янги хил маҳсулотлар пайдо бўлди, катта-катта бунёдкорлик майдонлари очилиб, осмонўпар бинолар кўкка бўй чўзди.

Саҳий деҳқон далаларига қут-барака кирди. Бир сўз билан айтганда ҳар бир дақиқа юртимиз қудратини оширhigа, турмушимизнинг тўқ ва фаровон бўлишига хизмат қилаяпти. Ҳар дақиқа эса бу миллион-миллион сўмлик маҳсулот, минг-минг метр газлама, эҳтиёт қисм... демакдир. Биз меҳнат унумдорлигини бир процентга оширib, иш вақтидан бир минут ютсак оқибатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жамласак киши лол бўлгудек катта рақамлар, рақамлар ортида эса зўр қудрат намоён бўлади. Агар биз шу бир процент, бир дақиқани бой берсак, бу қанчақанча металл оқими тўхтади, халқ хўжалиги учун керакли хом ашё етказиб берилмади демакдир.

Аввало яхши ишлашимиз интизомга боғлиқ. Қаерда интизом бўлса, шу ерда унум ҳам, сифат ҳам кўнгилдагидек бўлади. Интизомсизликнинг туб сабабларидан бири эса ичкиликбозликдир. Ичкилик қонунбузарлик, интизомсизлик, барча нохуш ишларнинг сабабчисидир.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил сентябрь ойида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарорида ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши олиб бориш, жиноятни йўқотиш ва уни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш юзасидан вазифалар қўйилган эди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши муросасиз кураш олиб бориш ички ишлар органлари билан бир қаторда барча жамоат ташкилотларининг ҳам вазифасидир. Жиноятларнинг асосий қисми ичкилик орқасида содир бўлаётганлигига, жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Ўрта Чирчиқ районидаги К. Маркс номли колхозининг тракторчиси А. Абдуқодиров маст ҳолда тракторни ҳайдаб уч йўловчини уриб кетган. Ангрен шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг шофёри Ю. Шомардонов ҳам кайф ҳолда рулга ўтирган. Оқибатда қаршидан келаётган автомашина билан тўқнашиб авария содир бўлган. Пассажирлар эса оғир жароҳатланганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, областимиздаги айрим хўжаликлар, колхоз ва совхозлар, корхона ва қурилиш ташкилотларида ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига, ичкиликбозликка қарши кескин кураш олиб борилмаяпти. Натижада кўнгилсиз воқеалар юз бермоқда.

«Алмалиқсаннецстрой», Чирчиқ шаҳридаги «Промтехмонтаж» бошқармаси, Бекободдаги цемент комбинати, 103-кўчма механизациялашган колонна, Оҳангарон шаҳридаги цемент комбинати, Чиноз районидаги Навоий номли колхоз, Ғалаба районидаги 81-автобаза маъмурияти, жамоат ташкилотлари ичкиликбозлик, тарғибгузарликка чек қўйиш учун етарли ишлар олиб бормаяптилар.

Бунинг устига айрим хўжалик раҳбарлари ички органлардан тушган маълумотларга эътиборсизлик билан қарайдилар. Милиция органларига ўз вақтида жавоб бермайдилар. Натижада бу корхона ва ташкилотларнинг интизомсиз аъзолари ичкиликбозликка «яшил йўл очилган деб ҳисоблаб» тартибсизликни авжига чиқарадилар. Тез-тез ҳушёрхоналарда «меҳмон» бўлиб туришади.

Яна баъзи мисолларни келтирмоқчимиз. В. Смирнов Чиноз райони Соцгородок кўчасидаги 30-уйда туради. Район маиший хизмат комбинатида слесарь бўлиб ишлайди. Ичкиликбозликка муккаси билан кетган. Унинг дастидан қўни-қўшнилар ҳам безор. Охири оила аъзолари ҳам кўниб кутулишди. Лекин маиший хизмат кўрсатиш комбинати раҳбарларининг бу ишларга томошабин бўлиб турганларига жуда ҳайронмиз.

Э. Бойбеков Ғалаба районидаги Солдатское посёлкаси Комсомольская кўчаси 14-уйда истиқомат қилади. Еши 25 да. 24-мактабда инструктор бўлиб ишлайди. Унинг ҳам ишдан кейинги бўш вақтларда «асосий машғулоти» ичкиликбозлик. Ана сизга тарбия масканида ишлайдиган тарбиячининг намунаси. Хўш, бунга мактаб мамурияти нима деркин?

Областимиздаги қатор районлар, хўжаликлар, корхоналарда оқ арокнинг қора ишига чек қўйилган. Бу ўринда Тошкент район ички ишлар бўлими тажрибасини қисқагина бўлса ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Район ички ишлар бўлимида ноўрин ҳаракат қилган, жамоат тартибини бузган, ичкилик касофатига мубтало бўлган кишиларни ҳисобга олиб борилади. Уларнинг юриш-туриши кузатилади.

Участка инспекторлари вақти-вақти билан бундай кишилар билан суҳбатлар ўтказиб туришади. Ишга жойлаштириб, оилавий аҳволи билан яқиндан шуғулланишади. Бундай услуб районда жиноятчилик, тартиббузарликнинг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Бўка, Ўрта Чирчиқ районлари, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ҳам ана шундай профилактик ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Бўка районидаги пахта заводи ва 4, 83-кўчма механизациялашган колонна маъмурияти ва жамоат ташкилотлари жамиятимизга номуносиб бўлган иллат — ичкиликбозликка қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. Бу ерда профилактика советлари тузилган. Тартиббузарлар коллектив ўртасида муҳокама қилинади, мукофотлардан маҳрум этилади. Шунинг учун ҳам мазкур корхона ва ташкилотларда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган.

Областимиздаги барча районлар, шаҳарлар, хўжаликлар, корхоналар, ташкилот ва муассасаларда ана шундай иш олиб бориш керак. Агитация ва пропагандани кучайтириш лозим.

Кези келганда шуни айтиш керакки, айрим раҳбарлар ичкиликбозликка қарши фақат милиция ходимлари курашишлари лозим, деб ўйладилар. Бирор воқеа содир бўлса участка инспекторини чақирадилар-да, шу билан иш тамом бўлди деб ҳисоблайдилар. Лекин улар бу билан корхона ишига зарар етказаётганликларини сезмай қоляптилар. Алкоголизм, ичкиликбозликка қарши профилактика ишларини олиб бориш ҳар бир коллектив, ҳар бир кишининг вазифаси бўлмоғи керак. Жойларда профилактика советларини ташкил қилиш, бундай советларнинг ишларини янада активлаштириш лозим. Шундагина намунали интизомга, юксак меҳнат унумдорлигига, юқори сифатга эришишимиз мумкин. Бундай қилганимизда турмушимиз янада фаровон ва гўзал бўлади.

● Агар одамлар арақ, вино, тамаки ва афюн билан ўзларини гаранг қилмасалар эди, ҳаётда қандай бахтли ўзгаришлар бўлар эди.
Л. ТОЛСТОЙ.

● Мастга ёруғ кўча ҳам қоронғи.
К. УШИНСКИЙ.

● Ҳар йили сувда ғарқ бўлганларга кўра, кўпроқ киши пиво ва вино дарёсига ғарқ бўлади.
РУБНЕР.

● Кўп ичадиган киши сир сақлай олмайди ва берган ваъдасига вафо қилмайди.
Кенжа СЕНЕКА.

● Ичкилик ҳар бир балонинг эшиги, сен ўша эшикка бош суқишдан эҳтиёт бўл.

● Ичувчилар оз фурсатли «лаззат»ни кўзлаб, кетидан келадиган фалокатга эътиборсиз қарайдилар.

● Сен ичкиликни сира ичма: у ақлдан, тўғри тафаккур қилишдан адаштиради, озгина хурсандлик, кайф-сафо бериш билан бирга узоқ муддатли ғайғу ва бахтсизликларга гирифтор қилади.
АБУ ААЛО АЛ-МАРРИЙ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Ўзимнинг шахсий тажрибам, юз йиллардан зиёд давом этган отамнинг ва бобомнинг тажрибалари туфайли менда шундай ишонч ҳосил бўлдики, дунёда ҳеч қандай сабаб спиртли ичимликларни кўп ичиш орқасидан келиб чиқадиган азоб-уқубатлар ва касалликлар каби оғир оқибатларга олиб келмайди.
Ч. ДАРВИН.

● Алкоголик оиласида наслий ногиронликдан ташқари кўп фалокатлар ҳам юз беради. Бола ифлослик ва қашшоқликда ўсади, маст отанинг қилмишларига беихтиёр гувоҳ бўлади, жанжалларни, уриш ва сўкишларни эшитади. Шундай шароитда ўсган боладан нимани кутиш мумкин?
АШАФФЕНБУРГ.

● Ароқ билан дўстлик саломатликка душман орттириш демакдир.

● Ақл тоғларни қўзғатади, ароқ ақлни хароб қилади.
УДМУРТ МАҚОЛЛАРИ.

ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОР

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШЯПМИЗ?

Кўз олдингизга шундай манзарани келтиринг — яхшигина кийинган ўрта ёшлардаги киши боғ ўртасидаги йўлкадан базўр одимлаб бораяпти. Шимининг тиззаси йиртилган, почалари лой, ҳар қадамда бир қоқилади. Гандираклаб бориб дарахтга урилади-да, сўкинади. Йўловчилар унинг ҳолатини кўриб беихтиёр четроқ юрибшади...

Очиқ эътироф қилганда яқин-яқингача посёлка марказидаги «Кўкан» ошхонаси теварагида бундай ҳолатларни учратиб турардик. Шу туфайли кўпчилик имкони борича ошхона жойлашган бозгон узоқроқ юришар, билмай қадам қўйганларнинг эса таъби хираланарди.

Ҳозирчи? Бугунги кунда у шинам ва ораста. Кишиларнинг ҳордиқ масканларидан бирига айланган. Парктан эрта-кеч одам оёғи узилмайди. Дарахтларнинг қуюқ сояси тушиб турган ўриндиқларда ҳамиша кексаю-ёшларни кўриш мумкин.

Бунга қандай эришдик? Айтиш керакки, тартиб-интизом осонлигича ўрнатилмади. Ичкиликка берилганларни тартибга чақириш, ахлоқини муҳокама этиш давомида унинг асосий сабабларидан бири умумий овқатланиш корхоналарида савдо қоидаларининг қўпол равишда бузилаётганлиги эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Белгиланган муддатлардан ташқари, рухсатсиз спиртли ичимлик сотаётган шохобчаларнинг раҳбарларини йиғиб, посёлка Советининг сессияси муҳокамасига қўйдик. Юқорида номи тилга олинган ошхонадаги спиртли ичимлик билан савдо қилувчи бўфетни ёпиш тўғрисида посёлка Совети ижроия комитети ва Тўйтепа металл конструкциялари заводи маъмурияти билан ҳамкорликда қарор чиқариб, район ижроия комитетига тавсия этдик.

Ўз-ўзидан маълумки, ичкиликбозлик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини юксалтиришга салбий таъсир кўрсатувчи, турли қонунбузарликларни келтириб чиқариб, эл оромини бузувчи иллатдир. Шу туфайли унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш корхона, муассаса ва жамоат ташкилотлари учун бир хилда фойдалидир.

Тўйтепа металл конструкциялари заводи билан ўрнатилган яқиндан алоқа ана шу ҳамкорликнинг ёрқин далилидир. Ичкиликбозликка қарши курашиш доимий комиссияси составида бу коллективнинг илғор аъзоларидан технолог Г. Нургатина, электр пайвандчи А. Сергиенко, конструктор В. Ярцевалар бор. Улар меҳнат коллективларида ичкиликбозликка қарши катта профилактик тадбирларни амалга оширишда бош-қош бўлмоқдалар. Шу туфайли металл конструкциялари заводида айниқса бу соҳада яхши натижалар қўлга киритилмоқда.

Ш. Юнусов ва И. Одиловлар раис бўлган маҳалла комитетларининг бу ҳайрли ишга қўшаётган ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг йиллик ва квартал планларида ичкиликбозликнинг зарари ҳақида суҳбат ва лекциялар ташкил этиш, бошқа профилактик тадбирларни кенг жорий қилиш муҳим ўрин тутади. Бу маҳалладаги жамоатчилик Советлари, ўртоқлик судлари ичкилик билан боғлиқ қўпчилик тартиббузарликни кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама этишмоқда.

Ичкиликбозликни тағ-томири билан йўқотиш, бу ҳатарли иллатга мойиллик билдирганларни ўз вақтида бу йўлдан қайтаришда посёлка Совети амбулаториясининг психиатр врачи Александр Бикининг хизматлари катта. 1978 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган амбулаторияда ҳозиргача ичкиликка ружу қўйган ўнлаб киши даволаниб чиқди. Металл конструкциялари заводи профилактория-сининг хўжалик мудири А. Самохвалов, дон қабул қилиш пункти слесари Р. Абдуллаев, конструктор А. Пушкаревлар шифокорларимизнинг ёрдами билан қайтадан тўғри ҳаёт йўлига тушиб олишди.

Ичкиликбозликни тағ-томири билан йўқотмагунча, бўш келмасликка аҳд қилганмиз. Ҳар ойда посёлка Совети ҳузуридаги 18 кишидан иборат жамоатчилик Совети аъзолари аҳволни таҳлил қилиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишади. Советга посёлкамиз территориясидаги деярли ҳамма корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари аъзодирлар. Ичкиликларнинг аксариятида ҳуқуқ органларининг ходимлари иштирок этиб, ичкиликнинг зарарли оқибатлари ҳақида суҳбатлар ўтказишади.

Булар — жиноятчилик ва тартиббузарликнинг иддиэси бўлган ичкиликбозликка қарши кураш йўлидаги фаолиятимизнинг айрим мисоллар, холос. Бинобарин, эришилган тажрибаларни батафсил ўртоқлашиш фойдадан ҳоли эмас. Биз бу соҳадаги тажрибаларимизни бошқа бошқармаларга ҳам бемалол ўргатишга тайёрмиз.

П. СЕЛЮКОВ,
«Янги ҳаёт» посёлка Советининг депутати.

Рассом хандаси



— Уғлингга қара, кимга ўхшаб қопти?!

— «Қуйиб қўйгандек ўзимга ўхшайди, эркатойим» демасмидингиз?!



— Иш вақтида нега ичкилик ичяпсиз?

— Ҳозир тушлик вақти-ку?!

Ревизор:— Раҳмат, мен ҳозир овқатландим. Тафтишни бошлайлик.



Эрталабки «зарядка».

Расмларни А. Ҳолиқов чизган.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН

Область давлат автомобиль инспекцияси ходимлари шаҳар ва районларда кўча ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Вақти-вақти билан йўл белгилари текширилиб, лозим жойларига қўшимча ўрнатилади. Авариянинг олдини олиш мақсадида турли ишлар олиб борилаяпти. Лекин шунга қарамай кўча ҳаракати қоидасини яхши билмайдиган ёки қоидани била туриб унга амал қилмайдиган ҳайдовчиларнинг айби билан хунук ҳодисалар рўй бераяпти.

Р. Бекназаров «ЗИЛ ММЗ-555» 94—72 ТШЖ номерли машинасини маст ҳолда ҳайдаб Тошкент —Қўқон йўлининг 16-километрида рулни бошқара олмай йўлнинг четига машинани буриб юборган ва телефон сим-ёғочига бориб урилган. Ҳайдовчи оғир аҳволда қолган. Иккинчи мисол, Л. Хренов маст ҳолда шахсий ВЛ-150 40—01 ТШД номерли мотоциклида Бекобод шаҳрининг 11-микрорайонида тезликни ҳаддан оширган. Натижада икки йўловчини уриб кетган.

Умуман, бундай воқеалар областимиз территориясида учраб турипти. Баъзи шоферлар ўзларига ортиқча баҳо бериб, киттак-киттак бўлса билинмайди, деб машина рулига ўтирадилар. Сўнг кўнгилсиз воқеалар юз беради. Масалан, С. Абдуқаюмов ширакайф бўлгач, мотоциклида шамолдай елмоқчи бўлади. У ўзини шердек ҳис этиб, кўча бурилишида катта йўлдан келаётган 90—42 ТШЗ давлат номерли юк машинасини ўтказиб юбормай ғувиллаб учиб қолади. Мотоцикл бориб машинага урилади ва С. Абдуқаюмов жароҳатланади.

Азиз дўстлар, йўлларимизда содир бўлаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Баъзан шундай аянчли воқеалар содир бўладики, кейин машина ҳайдовчиларининг ўзлари бир умрга афсусланиб юрадилар. Халқимизда кейинги пушаймон ўзингга душман дейдилар. Машина ҳайдашга ўтирганимизда доимо сергак бўлайлик, ҳеч қачон ичкилик ичиб, рулни бошқармайлик.

А. АЗИМОВ,
область автомобиль инспекциясининг ходими, милиция лейтенанти.

ДАҲШАТ, БИРОҚ ҲАҚИҚАТ

Спиртли ичимликнинг «найранги» шундаки, у аввало кишига «дўст», «ҳамдард» бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам баъзи одамлар унга «қўл берадилар», ортидан эргашадилар, сўнг бирор балога дуч келганларидан ўзлари бехабар қоладилар. Ичкиликка ружу қилган киши оҳу ортидан қувиб, қоплонга дуч келиб қолган овчига ўхшайди.

Спиртли ичимликнинг одам наслига путур етказиши қадим замонлардаёқ маълум бўлганди. Ривоятларда айтилишича, паҳлавон Юпитер чўлоқ фарзанд (Вулкан) кўрган. У бунинг сабабини сўраганда донолар: сабаби ичкилик, дейишган.

Бу ажойиб ҳикмат одамларнинг бироз бўлса-да, кўзини очди, хушига келтирди. Шу-шу юнонлар, римликлар орасида ўттиз ёшгача ичиш қатъий ман этилди. Киши соғлом фарзанд кўриши керак деб, ҳатто никоҳ маросимларида ҳам куёв билан келинга спиртли ичимлик берилмаган.

Буқрот (Гиппократ) «Болаларнинг заиф ва касалманд бўлишларига бадмастлик сабаб» дейди. Ниҳоятда тўғри бўлган бу фикрни ҳозирги замон олимлари ҳам якдиллик билан қувватлашади.

Болгариялик олим Ефремовнинг маълумотига кўра, алкоголь истеъмол қилиб юрган 23 оилада 15 ўлик, 8 заиф чақалоқ туғилган. Машҳур медицина олими И. Богдановичҳузурига бир ота уч фарзандини етаклаб келади. Катта қизининг эҳтиёжи ниҳоятда паст бўлгани учун синфда қолаверган, ўртанчасининг тутқаноғи бор экан. Учинчисининг лаби тирлиқ, бурни қийшиқ бўлган. Текшириш натижасида ота-онанинг ароқ ичиш одати борлиги аён бўлади.

Аниқ маълумотларга кўра, бир онла бошлиғи ичмаган вақтида соғлом ўғил-қиз кўрган. Ича бошлагандан сўнг туғилган тўрт фарзанд касалманд бўлиб қолган. Америкада бир онлада 11 фарзанд бўлиб, шундан тўрттасини ота кайф вақтида орттирган. Болалардан бирининг ақли паст бўлиб иккитаси ароқхўр, биттаси тутқаноқ дардига мубтало бўлган.

Атоқли совет психиатрлари В. А. Гиляровский, И. П. Мережевский, В. М. Бехтерев маълумотларига кўра, ичадиган оила бошлиқларининг фарзандлари кўпинча руҳий ҳасталикларга дучор бўладилар.

Спиртли ичимликлар ҳатто жониворларга ҳам салбий таъсир этиши тажрибада тасдиқланган. Олимлар бўғоз қуёнларга оз-оздан алкоголь беришган. Натижада улардан 61 процентининг боласи нобуд бўлган. Бўғоз денгиз тўнғизларига ҳам спиртли ичимлик бериб турилганда, уларнинг 89 процентига зарарли таъсир кўрсатган.

Спиртли ичимликнинг жиноят билан ҳамоҳанглиги ҳақида биринчи бўлиб фикр юритган олимларнинг бири скифлик Анахарсисдир. У ичимликнинг ёмон оқибатлари ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Узум уч хил ҳосил беради, ҳузур, кайф, фожиа». У ўз фикрини давом эттириб, ичкиликнинг миқдор муаммоси устида тўхтайди. «Биринчи қадаҳ, — дейди Анахарсис, — соғлиқ учун ичилади, иккинчи қадаҳ кайф учун, учинчи қадаҳ — сурбет бўлиш учун, тўртинчи қадаҳ эса ақлдан озиш учун». Шундай қилиб, спиртли ичимликнинг бош мияга етказадиган зарари оқибатида фожиа рўй беради.

Бу гаплар бундан қарийб 2,5 минг йил аввал айтилган. Доно фикрлар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чун, ки, ҳануз уй, кўча, ишхонадаги ҳалокат ва жиноятларнинг қарийб 80 проценти кайф ёки мастлик орқасида содир бўлаётир. Бўлмаса тўрт боланинг онаси бадмаст эридан калтак еб, касалхонага тушмасди. Башорат хола маст — бамисоли бир девона ўғлидан қочиб, қўшниснинкига беркинмасди. Ота ўғлига, бола отасига қўл кўтармасди. Маст шофер одам босмасди...

Бизнинг мамлакатимизда инсоннинг ҳар тарафлама камолга етиши учун эўр гамхўрлик намунасини кўриш мумкин. Турли маданий-маиший муассасалар, спорт майдонлари истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, кўллар ҳаммаси омманинг ихтиёрида. Лекин орамизда шундай кишилар учраб туради ки, улар ишдан кейин мазза қилиб оила аъзолари билан ҳордиқ чиқариш ўрнига ичкиликка ружу қиладилар. Фақат ўзлари эмас, бола-чақалари, ишхоналари номини булғайдилар. Биз жамиятимизга номуносиб иш тутаётган бундай кишиларни хатарли йўлдан қайтарайлик.

Алкоголизмга ва ичкиликбозликка қарши кураш инсон учун, инсон насли учун, соғлом оила учун, қолаверса, жамият ва унинг порлоқ истиқболи учун кураш эканлигини унутмайлик.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидатлари.



АЯНЧЛИ ОҚИБАТ.

Саҳифани область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Ж. ЖАМОЛОВ раислигидаги «Тошкент ҳақиқатининг ҳуқуқ-тартиботни пропаганда қилиш жамоатчилик совети, «Тошкент ҳақиқатининг ходимлари Б. ПЎЛАТОВ ва А. БОБОБЕКОВлар тайёрладилар.

Гул қатида завқ яширин,
Завқ эди-ку кутганларим,
Гул исларн бунча ширин,
Ҳушбўй атир ютганларим.
Чайқалади оқ шуълалар,
Кенгликларга ёзиб бағир.
Яшилликлар ичра кезиб,
Ҳайрат бўлди тутганларим!..
А. Абалян фотоэтюди.



ЛИРИКА ДАФТАРИДАН

О Ҳ У

Тоққа чиқдим, тараларди чўққидан ёғду
Ҳушим олиб, кўринди бир дилрабо оҳу.
Қанот боғлаб учдим ўша ёғдуга томон.
Қалбим дерди билармисан, қандайин моҳ, у.
Талпинардим, ҳарсангларни айланиб, шошиб,
Жилмаярди тош ортига беркиниб гоҳ у.
Яқин борсам, нари туриб, ноз билан қараб,
Кабутардек қанот ёзар ингоҳи жоду.
Етиб, боқсам қучёш эди шаҳло кўз оҳу,
Оҳ тортдимму, шошиб дедим: «қаердан "оҳ, у!»
Оҳимни у сезиб дилбар, кулиб бепарво,
Бошин илғаб деди: «Жойим, олис даргоҳ у».
Чақирдим мулоқотнинг шодлик чоғига,
Тоғ гўзали териб лола дерди «о, ҳув!..»
Таъзим айлаб аста юриб, келсам ёнига,
Гуллар тутди ташлаб менга ўтли нигоҳ у.
Лолазорда танишдик биз, баҳордай яшнаб,
Чаманларда олиб юрди, бўлиб ҳамроҳ у.
У гўл эди, қўлимда кўп гуллар бўлсада,
Қалбим дерди, гулнинг у гул, менга паноҳ у.
Хайрлашдик баҳор чоғи, гуллар фаслида,
Изларкни излар эдим мисли бир оҳу.
Тоғлар эса такрорларди ажиб бир сас-оҳ,
«Севги мендай баланд эрур, машаққат, роҳ у...»
Юрагимда қолди — лола — тошқин шалола,
Ёдга келур соғинтириб, севганим, оҳ у...

НАЗАРМАТ.

БАҲОР

Юртни ободу фаровон, элни шод этсин баҳор,
Севгида ёнган юракка гамни ёт этсин баҳор.
Лолага қоплансин ўлкам, қирлар тўлсин майсага,
Лол бўлиб, шу ерда қолсам деб мурод этсин баҳор.
Емғири ўчмас снёҳу нур қўли-ла дашт аро
«Гул» деган сарланҳа бирлан шеър ижод этсин баҳор.
Хоналарни тарк этиб сайр айлангиз қир бағрида,
Ҳисларингиз мавжи, тафтни барҳаёт этсин баҳор.
Шеърдан ҳайкал қўйингиз навбаҳорга аҳли завқ,
Унда кўргач ўз рақибин, мангу ёд этсин баҳор.
Носиро, ишқу саодат, навқиронлик фасли бу,
Кўзда нуру қалбда илҳомни знёд этсин баҳор.

Носир МУҲАММАД.

СЕНИ КУТАМИЗ, ЙИГИТ

Балоғат ёшига етиб, бокишларида қатъийлик акс этган, қадамлари тетик бу йигитларнинг қалбида чексиз ғурур жўш уриб турибди. Бугун уларнинг ҳаётида унутилмас, ҳаяжонли дақиқалар ҳукм сурмоқда.

Майдонга кириб келувчиларнинг кети кўринмайди. Бинолар пештоқидаги «Ящасин Совет Армияси», «Совет Иттифоқига хизмат қиламан» каби шиорлар бу айёмга янада тантановорлик бахш этган.

Биз Тошкент область чақирилув пунктидамиз. Ҳозиргина микрофондан Совет Армияси сафига чақирилувчиларни кузатиш маросимига бағишланган митинг бўлиши эълон қилинди. Митингни область ҳарбий комиссарининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, майор Р. Муслимов кириш сўзи билан очди.

Оналар номидан табрик учун сўз Чирчиқдаги иссиқ қа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг сайқалловчиси Людмила Клопова га берилди.

— Азиз фарзандларимиз, бугун биз оналарингиз катта ишонч ва фахр билан сизни ҳарбий хизматга кузатмоқдамиз. Сиз тинч, осойишта замонда катта бўляпсиз. Мана ҳозир деярли барчангиз маълум бир касбга эгасиз. Сиздек навқирон ёшлар билан фахрланамиз. Оталарингиз шонли ананаларига ҳамиша содиқ бўласиз, деб умид қиламиз...

Онасининг сўзларини диққат билан тинглаётган Андрей Клопов Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида пайвандловчи бўлиб ишлайди. У ўзининг хуш хулқи, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасабаларининг ҳурматини қозонган. Заводда уни комсомол сафига қабул қилишди. Андрей ҳамиша ойлик ва квартал планларни ортиги билан бажариб, бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби бўлган. Бўш вақтларида спорт билан шуғулланади. Мана бугун Совет Армияси сафига ҳар томонлама етук ва ҳунарли йигит отланмоқда.

У ўзига топширилган ҳар қандай вазифани сўзсиз бажара олади. А. Клопов билан бирга ҳарбий хизматга отланаётган бошқа ҳар бир йигит ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин.

Галаба район 10-мактаб ўқитувчиси Болтабой Жумабулаев оталар номидан сўзга чиқди.

— Ўғлим Абдумалик Киров номли колхозда ишлайди, — дейди у, — вақт ҳам ўтиб кетаверар экан. Буни қаранг, ўғлим балоғат ёшига етиб, йигитлик бурчини ўташга кетяпти. Уни бугун Совет Армияси сафига кузатар экамиз, тинчлик, осойишталик бўлсин, ой бориб, омон қайтгин дейиз.

Фахрланиш туйғусини фақат хизматга отланаётганлардагина эмас, уларнинг ота-оналари чеҳрасидан ҳам билиб олса бўлади. Мана фарзандини Ватан хизматига кузатаётган оққўрғонлик она С. Луқмонованинг сўзини эшитинг:

— Собиржонимни ҳарбий хизматга кузатар экаман, меҳрим жўшиб кетди. Дарвоқе ўғилни улғайтириб юрт хизматига йўллаш ҳар бир ота-онанинг шарафли бурчи эмасми?!

Мусиқа садолари остида ҳамқишлоқлари, ҳамкасблари, яқинларини Совет Армиясига жўнатаётганларнинг барчасидан шундай сўзларни эшитиш мумкин. Чақирилув пунктида эса хизматга отланаётганлар учун бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти уюштирилаяпти. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Биз ҳам муқаддас ва шарафли бурчини бажаришга йўл олган йигитларга ҳавас билан тикиламиз. Бенихтиёр уларнинг ота-оналари, ёрбиродарлари айтаётган гапларни такрорлаймиз: «Оқ йўл!», «Сени кутамиз!».

А. НОСИРОВА.

РЕПОРТАЖ

КЎЧАМИЗГА БИР КЕЛИНГ

ШАҲАР ТЕМАСИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қиш кунлари эди. Кечга яқин «Бирлик» маҳалласи хонадонлари ва кўчаларида порлаб турган электр чироқлари бир пастда ёришиб, кетдию, кейин «лип» этиб ўчиб қолди. Маҳалла аҳли бундай воқеаларга ўрганиб қолгани учун бироздан сўнг ёниб қолар, деган умидда парво қилмай ўтиришаверди. Лекин, сурункасига бир неча кун маҳалладаги хонадонлар ва кўчалар ҳеч қачон ёришмади.

Маълум бўлишича, қўшни «Ривож», «Намуна» маҳаллаларида ҳам аҳвол шу экан. Уч маҳалла активлари биргалашиб Октябрь ҳамда Собир Раҳимов районлари электр тармоқлари корхонасига шикоят қилишди.

— Айб бизда эмас, — қўполлик билан жавоб берди корхона раҳбари М. Гафуров. —. Узингиз қиш кунлари уйда электр иситгичларни қўясизлар, натижада маҳаллаларингизни электр билан таъминлайдиган киоскага ортиқча юк тушади...

Қорасарой кўчасида яшовчилар бунақа жавобни ҳар йили эшитиб келишади. Лекин, ўтган йиллардан бери ишлайвериб, эскириб кетган киоскадаги электр аппаратларини алмаштириш, хонадонларни нур билан таъминлаш устида ҳеч ким қайғурмаяпти. Кўчаларга тортилган симлар ҳам ишдан чиқай деб қолган. Ҳамма ерда очиқ жойлар пайдо бўлган, симлар осилиб, дарахтларга илиниб ётипти...

Яқинда маҳаллаларда истиқомат қилувчилар ноилож шаҳар ташкилотларига мурожаат қилиб кўришди.

— Бу бизга тааллуқли эмас, — муаммони ўзидан соқит қилди шаҳар электр тармоқлари корхонасининг диспетчери Ўртоқ Шукина, — шаҳарда шундоқ ҳам ишимиз бошдан ошиб ётибди. Сиз Октябрь ва Собир Раҳимов район электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилинг.

Мана бир неча ойдирки, сансалорлик давом этяпти. Бу ерга келган одам зимистон кўчалардан кечки сменаларда қайтаётган меҳнаткашларнинг қийналаётганлигининг гувоҳи бўлади. Кўчаларда чироқларга лампочкалар қўйилмаган, 30 дан ортиқ проездларда бирорта ҳам ёритгич йўқ. Шунинг учун шаҳар ёритиш идораси раҳбари М. Толипов, шаҳар электр тармоқлари корхонаси директори О. Шамснев ўртоқларга маслаҳатимиз — кундузи келишсин, кечқурун адашиб қолишлари мумкин.

Маҳалла аҳолиси номидан:

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
А. ОРИПОВ,
К. ШОРАСУЛОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● САМБО. Қарағанда шаҳрида ўтказилаётган самбо бўйича мамлакат чемпионатида республикамиз вакиллари қам муноскб иштирок этишаётир. Жумладан, 100 килограммдан ошиқ вазнлилар баҳсида В. Соободирев ҳурмат шохсупасининг энг юқорн поғонасига кўтарилди. Шу вазнлилар баҳсида тошкентлик С. Гогнадзе эса тўртинчи ўринни эгаллади.

● ФУТБОЛ. Олий лига вакиллари мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўн олтинчи тур ўйинларини ўтказишди. Бу сафар «Пахтакор» Днепропетровскда маҳаллий «Днепр» командасининг меҳмони бўлди. Ўйиннинг биринчи ярмида 1:0 ҳисобида олдинга чиққб олган областимиз вакиллари иккинчи таймда ташаббусни қўлдан бериб қўйдилар. Улар ўз дарвозаларидан кетма-кет иккита тўп ўтказиб юборишди.

Ҳамон Киев динамочилари турнир жадвалини бошқариб боришяпти. Улар пойтахт спартакчиларини 2:0 ҳисобида маглуб этишди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Торпедо» — «Динамо» (Мн) — 1:0, ЦСКА — «Зенит» — 2:0, «Кубань» «Динамо» (Тб) — 1:1, «Черноморец» — «Динамо» (М) — 2:1, «Шахтёр» — «Қайрат» — 1:1; «Таврия» — «Арарат» — 2:1, СКА — «Нефтчи» — 1:1.

«Пахтакор» навбатдаги тур ўйинининг 20 июнда ўз майдонида турнир жадвалининг пешқадами Киевнинг «Динамо» командаси билан ўтказади.

● ЭШКАК ЭШИШ. Москвада ўтказилаётган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мамлакат шахсий чемпионатининг биринчи кунида эшкак эшишнинг етти тури бўйича ғолиблар аниқланди. Улар орасида тошкентлик армянчи Эдем Муродосилов ҳам бор. Спортчимиз минг метрли масофага ўтказилган каноэда жуфт бўлиб эшкак эшишда Вигантас Чжайтис билан бирга энг катта тезликка эришишди. Сўнгги вақтда ўтказилаётган халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларида қувончли натижаларни қўлга киритаётган Э. Муродосиловнинг маҳоратини мутахассислар юқори баҳолашяпти.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА
1981—82 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА: ўзбек тили ва адабиёти, математика, география-биология, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари ва физика.

РУС ТИЛИДА: умумий техника фанлари ва меҳнат, рус тили ва адабиёти (ўзбек мактаблари учун), рус тили ва адабиёти (кенг профилли).

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича — ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма ва оғзаки), СССР ТАРИХИДАН (оғзаки), ЧЕТ ТИЛИДАН (оғзаки).

Математика, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари ва физика мутахассисликлари бўйича — МАТЕМАТИКАДАН (ёзма ва оғзаки), ФИЗИКАДАН (оғзаки), ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма).

Рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича — РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма ва оғзаки), СССР ТАРИХИДАН (оғзаки), ЧЕТ ТИЛИДАН (оғзаки).

География-биология мутахассислиги бўйича — ГЕОГРАФИЯДАН (оғзаки), БИОЛОГИЯДАН (оғзаки), ХИМИЯДАН (оғзаки), ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма).

Ариза институт ректори номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), олий ўқув юртига кириш учун характеристика, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз), меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма.

Кирувчилар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорликлари тўғрисидаги ҳужжатни шахсан кўрсатадилар.

КУНДУЗГИ УҚИШГА КИРИШ УЧУН АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 20 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, студентликка қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.

Адрес: 702500, Ангрен шаҳри, 48-квартал, 1 «В»-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
Акмал Икромов номли 15-Пискент район ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти
қуйидаги ихтисослар бўйича
1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист, шоферлар, бир чўмичли экскаватор-машинисти, бульдозер, скрепер, грейдер машинистлари, токарь, фрезерчи, машинада сут соғиш мастери, тикувчи-мотористлар,

Ўқиш муддати 3 йил.

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

3-классли тракторчи-машинист, асаларичилар, 3-классли шоферлар, машинада сут соғиш мастери, машинистскалар, токарь, фрезерчи, машина, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари бўйича созловчи, тикувчи-мотористскалар.

Ўқиш муддати бир йил.

17 ёшдан 40 ёшгача бўлган 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар ўрта маълумот ва касбга эга бўлганликлари тўғрисида диплом, аттестат ва гувоҳнома оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига киришда ихтисосларига кўра имтиёздан фойдаланадилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланадилар. Кийим-кечак, стипендия ва четдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бизнинг адресимиз: 702607. Пискент шаҳар, Акмал Икромов номли 15-ҳунар-техника билим юрти.

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Сел». Бадиий фильм. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Бадиий фильм. 1-серия. 17.20 — Концерт. 17.45 — Ёшлар адреслари. 18.45—Футбол шарҳи. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Концерт. 20.25 — Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — «Ёзувчи ва замон». 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Концерт.

УзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Телевикторина. 12.00 — «Қизил альпинистлар». 1—2-сериялар. Бадиий фильм. 13.00 — Телеспектакль. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Кўғирчоқ фильм. 18.40 — Дастлабки пионер гулханларининг алангаси. 19.10 — «Миллионлар ленинча университети». 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Илҳом». 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бутун куч — ғўза парваришига. 22.20 — «Севги ҳақида афсона». Спектакль. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.05 — Она тили. 19.45 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — Физика. 21.40 — Телефильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16|VI да Ун учинчи ранс, 17|VI да Келинлар қўзғолони, 18|VI да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16|VI да Кулги ва лирика нечаси.

Ўзбекистон ССР
МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг
ОҚҚЎРҒОҚ ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА
вентиляция бўйича 2 ва ундан юқори разряди бўлган слесарь-монтажчи

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай, иш нуқма характерда бўлгани учун 20 процент қўшимча қўшиб берилади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Чирчиқ шаҳри, 3-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 12-уй.

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» трестининг
ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ
алоқачи-кабелчи монтажчилар, алоқачи-қалайловчи монтажчилар тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ой.

Курсга Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган, 8—10 синф маълумотига эга бўлган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида унига 75 сўм стипендия тўланади.

Курсни тамомлагандан сўнг алоқа монтажчиси, кабелчи ёки малака разрядчи гувоҳномаси ва Тошкентда иш берилади.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 15-уй, 12-корпус. Телефонлар: 91-53-00, 91-44-95, 91-56-94, 91-58-91.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЕШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги Архитекторлар уйининг кўргазмалар залида ёш рассом Зайниддин Фахриддинов асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмада авторнинг ёлликдан ортиқ портрет, манзара, натюрморт ва мавзули композициялари намойиш қилинаяпти.

Бу асарлар мазмунан теранлиги, рангларининг жозибадорлиги ва реалистик услубда ишланганлиги билан томошабинларнинг эътиборини қозонмоқда.

Б. ТОЖИЕВ.

ҚЎЛДА КИНОКАМЕРА БИЛАН

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, мана 20 йилдирки, «Сириус» ҳаваскорлик халқ киностудияси ишлаб турибди. Самолётсоз-киноҳаваскорлар яратган ҳужжатли фильмлар бир неча бор Бутуниттифоқ конкурсларида қатнашиб, фахрли ўринларни олган. Яқинда суратга олинган «Самога интилиб», «Дам олиш кунида» каби лентларни ҳам корхона ишчи-хизматчилари илиқ кутиб олишди.

Ҳозир киноҳаваскорлар инженер Лидия Давидова раҳбарлигида рангли мультипликацион фильмлар устида иш олиб боришаётир. «Яхшиликнинг туғилиши», «Хазиналар оролида» каби фильмлар кичик томошабинларга мўлжалланган.

А. ГЛЕБОВ.



Америка Қўшма Штатларининг илғор жамоатчилиги уруш ва ирқчилликка қарши оммавий чиқишларни уюштирмоқдалар. Мана бу негр қизалоғи катта ёшдагилар билан бир сафда Вашингтонда бўлган намойишда қатнашди.

Л. Пахомова фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● УЛАН-БАТОР. Монгол халқининг ҳаётидаги шонли тарихий вбқеа — халқ революциясининг 60 йиллигига бағишланиб бу ерда халқаро илмий конференция ўтказилди. Конференция ишида ўн бир мамлакат: Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва Афғонистоннинг таниқли олимлари қатнашдилар.

Конференция иштирокчилари монгол халқининг ўтган 60 йил мобайнидаги революцион кураш ва бунёдкорлик меҳнати тажрибасини умумлаштирдилар, МХРнинг халқ хўжалиги ва маданият барча тармоқларини ривожлантиришда, социализмнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашда юксак марраларга эришишида Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдами алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

● СОФИЯ. Болгария болаларининг ёзги каникули бошланди. Ўқув йили тугагач ўн минглаб мактаб ўқувчилари пионер лагерларига ва юқори синф ўқувчиларининг истироҳат марказларига йўл олдилар.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш—ёш авлод тўғрисида социалистик давлат қилаётган ғамхўрликнинг ёрқин кўринишларидан биридир, деб уқтирди халқ маорифи министрининг ўринбосари Л. Стефанова ТАСС мухбири билан суҳбатда. Мамлакатнинг энг ҳушманзара жойларидаги мингдан ортиқ болалар лагери ва шифохонаси Болгариянинг 400 мингдан кўпроқ ёш гражданини қабул қилади. Уларда мириқиб дам олиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароит муҳайё.

● БУДАПЕШТ. Республика геологлари Венгриянинг энергетика ва хом ашё базасини кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган беш йилликда уларнинг куч-ғайратлари, шунингдек совет касбдошларининг ёрдами туфайли мамлакатда янги кўмир конлари қидириб топилди, бу конларда бир ярим миллиард тоннадан знёд ёқилғи бор, деб тахмин қилинмоқда. Шу беш йиллик мобайнида мамлакатер ости ҳазиналарини қидирувчилар янги конларни очиш ҳамда илгари топилган конлардаги қазилмаларнинг миқдорини аниқлаш, шахталар ва кўмир разрезлари қуриладиган жойларни белгилаш учун ер қазиш ишлари ҳажмини бир ярим баравар кўпайтиришни режалаштирмоқдалар.

Бунда мамлакат металлургия саноатини янада ривожлантириш учун зарур бўлган коксланувчи тошкўмир конларини қидириб топишга алоҳида эътибор берилмоқда.

● ПРАГА. Остравадаги К. Готвальд номли «Нова гута» металлургия комбинатининг кўп минг кишилик коллективи шу кунларда ўз корхонасининг 30 йиллигини нишонламоқда. Чехословакия металлургиясини ривожлантиришдаги катта муваффақиятлари учун ва юбилей муносабати билан комбинатга юксак мукофот-республика ордени топширилди.

Комбинатнинг қурилиши социалистик Чехословакиядаги биринчи катта қурилиш бўлди. 1951 йилда бу ерда дастлабки тонна пўлат ва прокат ишлаб чиқарилган бўлса, орадан бир неча йил ўтгандан кейин корхона урушдан аввалги Чехословакиянинг ҳамма корхоналари ишлаб чиқарганидан кўпроқ миқдордаги пўлатни ишлаб чиқарадиган даражага етди.

(ТАСС, 15 июнь).

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Р-02061. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1625. 11